



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «25» июль

VI-32-46-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида**

Қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг таъсирчан тизимини яратишда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими ўрнини мустаҳкамлаш, унинг аҳамиятини янада ошириш ҳамда самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан назорат режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вилоятдаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларига:

“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш, бунда мазкур қарорнинг барча иловаларида белгиланган тартиблар ҳамда вақтинчалик низомга қатъий риоя қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” тизими орқали тўлиқ ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун барча раҳбарлар ва масъуллар шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари шаҳар ва туманлар ҳокимларига:

ижро интизомига масъул бўлинмаларини ижро интизомини мустаҳкамлашдаги

ролини ва масъулиятини ошириш юзасидан зарурий барча чораларни кўриш;

топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларни кўллаш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолатини раҳбарларнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни ҳамда раҳбар ҳузурида ҳар ҳафта душанба кунлари муҳокама қилиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳар олти ойда масъул ижрочилар томонидан “Ijro.gov.uz” тизимига киритилиб бориш ишларини таъминласин.

#### 5. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларига:

мазкур қарор орқали тасдиқланган иловада белгиланган тартиблар ҳамда вақтинчалик Низомга қатъий риоя этилиши ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини алоҳида назоратга олиш;

ҳар ойда вилоят, туман (шаҳар)лар ҳокимликларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолатини муҳокама қилиш ҳамда топшириқларнинг ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалаларини кўриб чиқиш;

ҳар ойда халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларида Давлат дастури ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг бажарилиши ҳолатини муҳокама қилиш амалиётини жорий этиш;

қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг ижро ҳолатини, амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш, уларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича депутатлик назоратини тизимли равишда ташкил этиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг мазмун-моҳияти бўйича тушунтириш, тарғибот ишларини ўтказиш, маҳаллаларда ижросини ташкил қилиш, амалга оширилган ишларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш вазифалари топширилсин.

6. Вилоят Адлия бошқармаси (С.Саттаров) “Ijro.gov.uz” тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг доимий мониторингини амалга оширсин ва масъул ижрочиларга топшириқларни бажаришда ҳуқуқий-услубий жиҳатдан кўмаклашсин.

7. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (З.Тўраев), вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев)ларга қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши ҳолати юзасидан доимий туркум кўрсатувлар, матбуот анжуманларини ташкил этиш орқали

мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Маманов қарор ижроси юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳар ой якунида ёзма ахборот киритиб борсин.

9. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (А.Эшмуратов) зиммасига юклатилсин.

10. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг  
2021 йил 25 июлдаги  
VI-32-46-8-0-К/21-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ““Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан**

**НАЗОРАТ РЕЖА**

№	Топшириқлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли ““Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорини раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиш. 2. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг мазкур қарори ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ижрочиларга етказиш. 3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш масаласини халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиш, тегишли қарорларни қабул қилиш.	Белгиланган муддатларда	Вилоят ҳокими ўринбосарлари, ташкилий бўлинма раҳбарлари, вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи,  Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори 2-иловасидаги тартибга мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш.	1. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари бўйича амалга ошириш назорат режаларини тайёрлаш, тасдиқлаш ва ижрога қаратиш;	1 кун муддатда	Вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари
		2. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни ижрочилар ва ижро муддатларини белгилаб, “Ijro.gov.uz” тизими орқали туман ва шаҳар ҳокимликларига юбориш;		Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи
		3. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини “Ijro.gov.uz” тизимига киритиш ёки туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан киритилган маълумотларни тасдиқлаш;	Белгиланган муддатларда	Вилоят ҳокими ўринбосарлари, ташкилий бўлинма раҳбарлари, вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи
		4. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро муддатларини узайтириш ҳақида Адлия вазирлигига таклиф киритиш.	Заруриятга кўра	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари
		Туман ва шаҳар ҳокимлари:		
1. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш.	Белгиланган муддатларда	Туман ва шаҳар ҳокимлари		
2. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини “Ijro.gov.uz” тизимига киритиш		Белгиланган ижрочилар		

№	Топшириқлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар		
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори 4-иловасидаги тартибга мувофиқ “Ijro.gov.uz” тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ижросини ташкил этиш.	1. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар рўйхатдан ўтказилади ҳамда раҳбариятга ахборот берилади.	30 дақиқа ичида	Вилоят ҳокимлиги умумий бўлими		
		2. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси бўйича масъул таркибий бўлима - масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.	1 кун муддатда	Вилоят ҳокими, ҳокимнинг биринчи ўринбосари		
		3. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича назорат режасини тайёрлайди, раҳбариятга тасдиқлатади ва ижрога қаратади. Заруратга кўра, туман (шаҳар) ҳокимликларига амалга ошириш механизми ҳамда бажариш муддатларини аниқ белгиланган ҳолда топшириқни юборади ва бажарилишини қатъий назоратга олади.	3 кун муддатда	Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи		
		4. Топшириқ ижроси бўйича “Ijro.gov.uz” тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан эътирозлар билан ишлашга қайтарилганда, бу ҳақда раҳбариятга ахборот беради, камчиликларни бартараф этади ва тегишли маълумотларни тасдиқлаш учун “Ijro.gov.uz” тизимига қайтадан киритади.	Қисқа муддатларда	Масъул ижрочилар		
		5. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар масъул ижрочи томонидан ўз вақтида бажарилиши ва натижаси бўйича белгиланган шаклдаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” тизимига тўлиқ ва ҳаққоний киритилиши назоратга олинади.	Доимий равишда	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари		
		6. Топшириқ ижроси бўйича “Ijro.gov.uz” тизимига киритилган маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан эътирозлар билан ишлашга қайтарилганда, масъул ижрочи томонидан камчиликлар зудлик билан бартараф этилиши ва тегишли маълумотлар тасдиқлаш учун “Ijro.gov.uz” тизимига қайтадан киритилиши назоратга олинади.	Доимий равишда	Вилоят ҳокими ўринбосарлари, ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари		
		<b>Туман ва шаҳар ҳокимлари:</b>				
		1. Вилоят ҳокимлиги томонидан ижро учун юборилган топшириқларни рўйхатдан ўтказилади ҳамда раҳбариятга ахборот беради.	30 дақиқа ичида	Туман ва шаҳар ҳокимлиги девонхонаси		
		2. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича масъул таркибий бўлима - масъул ижрочини белгилайди ва ижросини таъминлаш бўйича топшириқ беради.	1 кун муддатда	Туман ва шаҳар ҳокимлари		
		3. Топшириқ ижросини таъминлаш бўйича назорат режасини тайёрлайди, тасдиқлатади ва ижрога қаратади.	3 кун муддатда	Туман ва шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи		
4. Топшириқ ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни зарур тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга белгиланган тартибда вилоят ҳокимлигига тизим орқали киритади.	Белгиланган муддатда	Масъул ижрочилар				
5. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни ҳоким ёки зарур ҳолларда унинг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқлаб, асословчи ҳужжатлар билан бирга “Ijro.gov.uz” тизимига киритади.	Белгиланган муддатда	Масъул ижрочилар				

№	Топшириқлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
4.	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати муҳокама қилиб бориш.	1. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳузурда;	Ҳар ҳафта жума куни	Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосарлари
		2. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ҳузурда.	Ҳар ҳафта душанба куни	Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари
		3. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолатини халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида танқидий муҳокама қилиб бориш.	Ҳар ойда	Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари
5.	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни бажармаган масъулларга интизомий жазо чораларини кўриш.	1. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларни қўллаш масалаларини кўриб чиқиш.	Ҳар ҳафта	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, ташкилий-назорат гуруҳи
6.	“Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	“Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими орқали Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомда белгиланган вазифаларни бажарилишини таъминлаш.	Белгиланган муддатларда	Вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари
7.	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ва режали ташкил қилиш, уларнинг бажарилиш ҳолатини мақсадли ўрганиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш;	Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг ярим йиллик, ҳоким ўринбосарларининг чоралик, ҳокимлик аппарати бўлинмалари мутахассисларининг ойлик иш режасига ижро интизومي масаласи бўйича алоҳида бўлим киритиш, унда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ҳудудларда ҳам ташкилотларда комплекс ва мақсадли ўрганишни киритиш, ўрганиш якунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тезкор чораларни кўриш.	Ҳар чоракда, ҳар ойда	Вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари
8.	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот ҳар олти ойда масъул ижрочилар томонидан “Ijro.gov.uz” тизимига киритилиб борилиши белгилансин.	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда ижро муддати белгиланмаган ёки ижро муддати бир йил ва ундан ортиқ этиб белгиланган топшириқларнинг рўйхатини тузиш ҳамда уни янгилаб бориш; Юқоридаги рўйхатга киритилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни “Ijro.gov.uz” тизимига киритиб бориш.	Доимий	Вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари
			Ҳар олти ойда	Масъул ижрочилар

№	Топшириқлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
9.	“Ijro.gov.uz” тизимига давлат органлари ва вилоят ташкилотларини улаш ҳамда уларнинг “Ijro.gov.uz” тизимидан фойдаланишини таъминлаш билан боғлиқ мақсадлар учун маблағларни 2021 йилда маҳаллий бюджет параметрлари доирасида ажратиш, 2022 йилдан бошлаб эса давлат органлари ва ташкилотларининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутиш топширилсин.	“Ijro.gov.uz” тизимига вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларни улаш ҳамда уларнинг “Ijro.gov.uz” тизимидан фойдаланишини таъминлаш билан боғлиқ мақсадлар учун маблағларни 2021 йилда маҳаллий бюджет параметрлари доирасида ажратиш; 2022 йилдан бошлаб эса давлат органлари ва ташкилотларининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутиш.	Ҳар йили	Вилоят ҳокимлиги ишлар бошқармаси, Туман ва шаҳар ҳокимлари
10.	“Ijro.gov.uz” тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этишда юзага келган муаммолар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш, “Ijro.gov.uz” тизими самарадорлигини ошириш ҳамда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан тасдиқланган вақтинчалик низомни такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритиш.	1.“Ijro.gov.uz” тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этишда юзага келган муаммолар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш. 2.“Ijro.gov.uz” тизими самарадорлигини ошириш ҳамда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан тасдиқланган вақтинчалик низомни такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига таклифлар киритиш.	Доимий равишда  2022 йил 10 январга қадар	Вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари,  Тегишли корхона ва ташкилотлар
11.	Давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун шахсий жавобгарликни юклаш.	Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилинишини таъминлаш учун қуйидагилар шахсан жавобгар этиб белгилансин: -вилоят ҳокими ўринбосарлари; -туман ва шаҳар ҳокимлари; -вилоят ташкилотлари раҳбарлари.	Доимий равишда	Вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари